

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича

« 08 » июль 2022 йил

Яйпан шаҳри

№ 31567-сонли ШАРТНОМА

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Ирмоқ"МЧЖ (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари И.Қобилов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Ўзбекистон туман МТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Х.А.Кўзиёева ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди:

1. Шартнома предмети

- 1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра куйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
Ўзбекистон тумани 14-МТТ ҳожатхона биносини жорий таъмирлаш ишлари
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 52100606 сўм, Эллик икки миллион бир юз минг олти юз олти (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 30 кун

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, сче́т-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прејскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади.
- 2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли, техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар қўлланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар (хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
- 4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган жорий таъмирлаш ишларини умумий қийматини 0.4% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.
- 4.3 Қабул қилинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш (хизмат) миқдори суммасидан «Буюртмачи» томонидан 0.5 % миқдорида «Иш бажарувчи» га пеня тўланади.
- 4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. <Форс-мажор>

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга кирилади.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача .Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;
 - б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
 - в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;
 - г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиҳа-смета хужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
 - д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Кўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда хал қилинади.
- 7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.
- 7.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли фазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли фазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг* амалга киритилади

Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Иш бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Ирмоқ» МЧЖ

Ўзбекистон туман МТБ

(Иш бажарувчи номи)

(буюртмачи)

Манзил: Кўкон шаҳар Давронбек кучаси №137 А

Манзил: Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси

Тел./факс

Тел./факс

х/в: 20208000504120193001

ш/х: 100022860302307091100251048

Банк номи: Хамкор банк Кўкон филиали

СТИРи 305153082

МФФ 00956

СТИР: 203618979

ОКОНХ 92400

МФФ 00014

ОКОНХ

Газначилик: Ўзбекистон туман Газначилик бўлими

Газна Х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919

Рахбар:

И.Қобилов

(Ф.И.Ш)

(имзо)

Рахбар

Х.А.Кўзиёва

(Ф.И.Ш)

(имзо)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil 13-iyul.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarda joriy ta'mirlash ishlarini amalga oshirish bo'yicha.
3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi.
4. Loyiha 08.07.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va shu kuni markazga taqdim etilgan.

Shartnoma loyihasida O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limiga qarashli 14-MTT ning xojatxona binosini "IRMOQ" MChJ tomonidan joriy ta'mirlash bo'yicha umumiy qiymati 52 100 606 (ellik ikki yuz ming olti yuz olti) so'mlik qurilish-ta'mirlash ishlarini amalga oshirilishi yuzasidan ishlab chiqilgan.

O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yil kungi Davlat xaridlari to'g'risidagi O'RBQ 684-sonli qonunining 56-63 moddalarida davlat buyurtmachilari tomonidan eng yaxshi takliflarni tanlash vositasi orqali shartnomalar tuzish mumkinligi ko'rsatib o'tilgan.

Loyihada tomonlarning majburiyatlari, to'lovlarni amalga oshirish va nizolarni hal etish tartiblari, shartnomani amal qilish muddatlari belgilangan.

Yuqorida bayon etilganlarga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.06.2021-yil kungi PQ-5168 sonli qaroriga qo'llanib,-


XULOSA QILAMAN:

O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan "IRMOQ" MChJ o'rtasida 14-MTT ning xojatxona binosini joriy ta'mirlash bo'yicha ishlab chiqilgan pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq deb hisoblanadi.

Bosh yuriskonsul't



M.Utanov

Тасдиқлайман
Ўзбекистон тумани мактабгача таълим
бўлими мудири :  Х.А.Кўзиева
(имзо)

Ўзбекистон тумани мактабгача таълим бўлимига 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш ҳамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш ишчи гуруҳининг

Йиғилиш баёни №7

08.07.2022

Ўзбекистон тумани

Йиғилишда ишчи гуруҳининг қуйидаги аъзолари қатнашдилар:

Раислик қилувчи :

Ўзбекистон тумани мактабгача таълим
бўлимимудири
Х.А.Кўзиева

Аъзолари :
Бўлим бош ҳисобчиси в/б
Ж.Жўраев

Эксплуатация бўлими бошлиғи
У.Умматов
Бош иқтисодчи
Н.Ахмедова

Эксплуатация бўлими
бўйича мутахассиси
Д.Эргашев

Йиғилиш кун тартибида қўриладиган масала:

Ўзбекистон тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 14-МТТ ҳожатхона биносини жорий таъмирлаш ишлари учун 05.07.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида №22110012112484 сонли лот орқали МТТ ҳожатхона биносини жорий таъмирлаш ишлари учун жойлаштирилган.

Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.






Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли "Ирмок"МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи :

Аъзолари :

	Х.Кўзиева
	Ж.Жўраев
	У.Умматов
	Н.Ахмедова
	Д.Эргашев